

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ВАЛЮТА БОЗОРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАЗАВИЙ
ТАРМОҚЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ БИРИНЧИ ГАЛДАГИ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

[Кўчирма]

Валюта бозорини либераллаштириш шароитида иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарининг барқарор фаолият қўрсатиши учун кулай шарт-шароитлар яратиш, учун ишлаб чиқаришни изчил технологик модернизациялаш ва самарадорлигини ошириш йўли билан уларнинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш, ноишлаб чиқариш сарф-харажатларини қисқартириш, ходимлар таркиби ва сонини оптималлаштириш, халқаро стандартларга мувофиқ илғор ёндашувлар ва корпоратив бошқарув тизимларини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси билан бирга ишлаб чиқилган ҳамда қуидагиларни назарда тутадиган таклифлари қабул қилинсин:

биринчидан — иқтисодиёт базавий тармоқлари корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитлари бўйича 2017 йил 1 сентябрдан 2018 йил 31 декабргача бўлган даврда сўндирилиши лозим бўлган мажбуриятларини реструктуризация қилиш, асосий қарзни, фоиз тўловларини, шунингдек, 2017 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, муддати ўтказиб юборилган қарздорликни тўлаш муддатларини **1-иловага** мувофиқ 4 йилга узайтириш;

иккинчидан — «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибига киравчи корхоналарнинг 2017 йил 1 июл ҳолатига кўра ундириб олиш умиди узилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқариш, шунингдек, 2016 йилда тугатилган фермер хўжаликларининг хизмат қўрсатувчи тармоқлар олдидағи қарзи қолдиқларини иқтисодиёт тармоқлари ўртасида қарздорликни реструктуризация қилиш йўли билан рўйхатдан чиқариш, кейинчалик корхоналарнинг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлари бўйича қарзларини ҳисобдан чиқариш ҳамда қопланмаган қисмини корхоналарнинг молиявий натижаларига киритиш;

учинчидан — 2016 — 2018 йилларнинг якунлари бўйича «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзбеккўмир» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ ҳамда уларнинг таркибига киравчи акциядорлик жамиятлари ва корхоналарига давлат улуши бўйича ҳисоблаб қўшилган дивидендерни капиталлаштириш, уларни Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда инвестиция мақсадларига жалб этилган кредитлар ва қарзларни тўлашга мақсадли йўналтирилади;

тўртинчидан — 2017 йил 10 сентябрдан бошлаб республиканинг бутун ҳудудида аҳолига суюлтирилган газ сотишнинг ягона нархини ўрнатиш;

бешинчидан — қайта ишловчи корхоналарга углеводород хомашёсини етказиб беришга қазиб оловчи корхоналарнинг 5 фоиздан кам бўлмаган рентабеллик даражасига эришишни таъминлайдиган тарифлар микдорини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси (Ф.И. Ибрагимов), «Ўзбекнефтгаз» АЖ раҳбари (А.С. Султонов), «Ўзкимёсаноат» АЖ раҳбари (А.А. Абдуллаев), «Ўзбекэнерго» АЖ раҳбари (У.М. Мустафоев), «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ раҳбари (У.А. Ахунов) икки ой муддатда 2017 йилнинг 1 июля ҳолатига кўра базавий тармоқлар корхоналарининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини хатловдан ўтказсин ҳамда

уларнинг хизмат кўрсатувчи тижорат банклари билан келишилган бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ва томонларнинг солишиштирма далолатномалари билан тасдиқланишини таъминласин.

Хатлов натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритилсин.

2. Тижорат банкларига 2017-2018 йиллар даврида сўндирилиши лозим бўлган асосий қарз тўловлари, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ, «Ўзбеккумир» АЖ ҳамда уларнинг корхоналарига ажратилган кредитлар бўйича мораторий қўллаш тавсия этилсин, асосий қарз [2-иловага](#) мувофиқ рўйхат бўйича 2019-2020 йилларда сўндирилсин.

4. Белгилансинки, 2017 йилнинг 1 октябридан бошлаб:

Олдинги тахрирга қаранг.

(4-банднинг иккинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 декабрдаги ПҚ-4088-сонли қарорига асосан чиқарилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.01.2019 й., 07/18/4088/2412-сон — 2018 йил 16 ноябрдан кучга киради)

«Ўзбекэнерго» АЖнинг иссиқлик электростанциялари ва марказлари учун соликقا тортиш мақсадида сув ресурсларининг юза ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми қайтариб қуяилаётган сув ҳажмига тенг миқдорда камайтирилади;

Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси кредитларини бериш ва унинг кредит линияларини очиш, шунингдек, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитларини реструктуризация қилиш фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида амалга оширилади.

5. Иқтисодиёт асосий тармоқлари корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича Хукумат комиссияси (кейинги ўринларда — Хукумат комиссияси деб юритилади) [3-иловага](#) мувофиқ таркибда ташкил этилсин, унинг зиммасига куйидаги вазифалар юклансин:

акциядорлик компаниялари ва жамиятларининг ташкилий тузилмаси ва ходимлари сонини уч ой муддатда оптималлаштириш, уларнинг таркибига кирувчи соҳага хос бўлмаган бўлинмалар ва ортиқча қувватларни қисқартириш, шунингдек, хўжалик жамиятлари фаолиятига хилоф функцияларни бартараф этиш;

давлат корхоналарида маблағларнинг талон-тарож қилиниши ва мақсадга номувофиқ фойдаланишига олиб келувчи омилларни аниқлаш ва тугатиш, молиявий-техник интизомнинг ҳолатини, корпоратив бошқарув тамойилларига риоя этилишини ўрганиш ҳамда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини жорий этиш;

нуфузли компанияларни жалб этган ҳолда мустақил молиявий аудитни, акциядорлик компаниялари ва жамиятларининг ҳамда уларнинг таркибига кирувчи давлат улуши 50 фоиздан кўпроқ бўлган корхоналарнинг бошқарув тизимларини, техник ва технологик ҳолатини баҳолашни 2018 йилнинг 1 июлига кадар ниҳоясига етказиш бўйича ишларни ташкиллаштириш;

саноатнинг базавий корхоналари заарар кўрмай ишлашини ва инфляциянинг асосиз ўсиб кетишига йўл қўймасликни ҳисобга олган ҳолда шундай корхоналарнинг маҳсулотига нисбатан тариф сиёсатини такомиллаштириш;

заруратга қараб, саноат базавий тармоқлари корхоналарининг молиявий барқарорлигига, шу жумладан, айланма маблағлари қўпайишига имкон яратувчи қўшимча чоралар кўриш;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ, «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ, «Ўзбеккумир» АЖ, «Ўзавтосаноат» АК, «Ўзфармсаноат» АК, «Олмалик КМК» АЖ раҳбарларининг истиқболли ривожланиш стратегик режалари мавжудлиги, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши, паст самарали, соҳага хос бўлмаган активлар ҳолатини таҳлил этишни, импортни қисқартириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштиришни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган инвестиция лойиҳаларининг самарадорлик даражасини баҳолаш бўйича ҳисботларни танқидий ўрганиш ва тинглаш;

саноат базавий тармоқлари корхоналарининг Кузатув кенгашлари масъулиятини ошириш ва уларнинг янги таркибини тасдиқлаш бўйича таклифлар киритиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б.А. Ходжаев) Иқтисодиёт вазирлиги (Г.К. Сайдова) ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Р.А. Фуломов) билан биргалиқда икки ой муддатда юқори ликвидли маҳсулотлар, шу жумладан, нефт маҳсулотлари, қора металлар прокати, цемент, полиэтилен, полипропилен, мис маҳсулоти, металл рух, пахта линти, минерал ўғитларга Давлат бюджети ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг тегишли сарф-харажатлари ўзгарганлигини, шунингдек, нархлар ўзгаришининг ижтимоий дастурларни амалга оширишга, қишлоқ хўжалигини ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга таъсирини таҳлил этишни ҳисобга олиб, нарх белгилаш ва сотишнинг бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. «Ўзбекнефтгаз» АЖ (А.С. Султонов), «Ўзбекэнерго» АЖ (У.М. Мустафоев), «Ўзкимёсаноат» АЖ (А.А. Абдуллаев) Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Р.А. Фуломов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргалиқда 2017 йилнинг 15 октябригача Ҳукумат комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Базавий тармоқлар корхоналарининг молиявий барқарорлиги ва рақобатдошлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 31 январдаги ПП-2747-сонли қарорининг 1-бандида назарда тутилган корхоналарнинг соҳага хос бўлмаган активларини сотиш ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларига топшириш тўғрисида таклифлар киритсин.

8. «Ўзбекнефтгаз» АЖ (А.С. Султонов), «Ўзбекэнерго» АЖ (У.М. Мустафоев), «Ўзкимёсаноат» АЖ (А.А. Абдуллаев), «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ (У.А. Ахунов), «Ўзбеккўмир» АЖ (З.Б. Ишмуҳамедов), «Ўзавтосаноат» АК (У.З. Салимов), «Ўзфармсаноат» ДАК (М.М. Дўсмуратов), «Олмалиқ КМК» АЖ (А.К. Фармонов) Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Р.А. Фуломов) ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Г.К. Сайдова) билан биргалиқда уч ой муддатда 2017-2018 йилларда ҳар бир идоравий корхоналар бўйича тегишли тармоқларни молиявий соғломлаштиришнинг «йўл ҳариталари»ни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси молия вазири Б.А. Ходжаевга «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 1-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари олдидаги мажбуриятлари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг аввал тақдим этилган давлат кафолатларига ўзгартиришлар киритиш ваколати берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б.А. Ходжаев) Иқтисодиёт вазирлиги (Г.К. Сайдова), Марказий банк (М.Б. Нормуратов), Адлия вазирлиги (Р.К. Давлетов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И. Ибрагимов ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси М.М. Икромов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 4 сентябрь,
ПҚ-3253-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 4
сентябрдаги ПҚ-3253-сон
қарорига
1-ИЛОВА